

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ИЛ
ЧИҚИШИ

№ 30 (4489).

11
ФЕВРАЛЬ

ЖУМА

1972 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ИЛҒОР СУТ СОҒУВЧИЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИНГ

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ИЛҒИЧ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ СУТ СОҒУВЧИСИ МУҒТАБАР УММАТОВАНИНГ ТАШАББУСИ ҲАҚИДА

Калинин районидаги Илғиш номи колхознинг сут соғувчиси Муғтабар Умматова сизилардан сут соғиб олишни анча кўпайтириш бўйича зиммасига шахсий мажбурият олди ва бу мажбурият «Ленинчи» район газетасининг 1972 йил 22 январь сониди эълон қилинди. Тошкент область партия комитети Муғтабар Умматованинг бу ташаббусини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари,

ри, колхозлар ва совхозларнинг бошланғич партия ҳамда комсомол ташкилотлари зиммасига Калинин районидаги Илғиш номи колхознинг сут соғувчиси Муғтабар Умматованинг ташаббусини кенг ёйишни таъминлаш, сут соғувчиларга тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини бажаришлари учун ёрдам кўрсатиш юзасидан конкрет тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди.



Тошкент асбобсозлик заводи цехларида йиллик планни мўддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Унда иштирок этаётган аксарият ишчилар нормани 130—140 процентдан бажаришяпти. Ушбу суратда сиз кўриб турган пармаловчи И. Галиуллина ҳам шундай илгорлардан бири.

А. Тўраев фотоси.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Илгорлар тажрибаси — умумхалқ мулк. Оҳангарон район партия комитети бу масалага катта аҳамият бериб, хўжаликларда илгор тажрибалар мактаби ташкил этди. Жумладан, 4-«Оҳангарон» совхозда қўйчилик бўйича, 1, 3-«Оҳангарон» совхозларида эса сабзавотчилик ва картошкачилик бўйича, «Галлақудуқ» сов-

хозда эса чўчқачилик бўйича, «Октябрь» совхозиди эса гўшт қорвачилиги бўйича мактаблар иш бошлаб юборди. Районда мутахассисларнинг малакасини оширишга ҳам эътибор қўйилмоқда. Хўжаликларда ҳар ойда бир марта «Мутахассислар кўни» ўтиб туради.

ҲАР БИР СИГИРДАН 3360 ЛИТ- РДАН СУТ СОҒИБ ОЛАМАН



Халқимиз ҳаракатда баракат дейди. Катта коллективнинг бир аъзоси зиммасидан вазифани бажариш учун чинакамга курашса, бошқаларини ҳам ўзидан намуна олишга ҳақирса, кўпчилик унга эргашиб фидокорона меҳнат қилса ўша ерда ютуқлар кўпайди, айтувлар сўзлар бажарилди. Касбининг қандай бўлишидан қатъий назар ҳар бир киши ўз касбининг улуғлаб, шунинг шарафига учун курашадиган бўлса, унинг ҳамма вақт қўли баданд бўлади. Газета ва журналларда ўқиб турибмиз. Мамлакатимиз меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили тошхирларини шараф билан бажариш юзасидан астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳамма жойда, шу жумладан бизнинг колхозда ҳам СССР ташкил этилганининг 50 йиллиги шарафига бегишланган социалистик мусобақа кўнглиб кетди. Умумхалқ мусобақасида актив катташиб, мен ўйлайман, ҳар бир кишининг жоножон иши. Шу сабабли ҳам мен мусобақага қўшилиб, кўпчилик қатори колхозимиз ишларини юксалтириш, айниқса чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга ўзининг кичкина бўлса ҳам ҳиссасини қўшишга қарор қилдим.

Мен бу йил ўз зиммамга мажбурият олаётганимда бултурги ишларимни бир чамалаб кўрдим. Утган йили 25

дан 2650 литрдан сут соғиди. Давлатга 41,5 тонна юқори сезилмадангиз гўшт топирилди. Шундан кўриниб турибдики, чорвачилик ишлари долхозда юқорига қараб кетаяпти. Биз сут соғувчилар замоний тинда қўрилган сизиларда молларни яхши парварих қилаймиз. Бу ерда барча ишлар механизациялаштирилган. Бизга Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалигини электрлаштириш институтининг ходими А. Н. Доридантов ақидан ёрдам берапти. Ишларимиз анча осонлашиб қолган. Ферма шаронти жуда ахшиланган. Бундан уч йил илгари ҳар бир сизилдан 1730 литрдан сут соғиб олишган бўлса, мен юқориди айтиб ўтган йили бу миқдор анча кўпайди. Соғин сизилларнинг ёз қўнлари яйратиб боқиб тадбирларни ҳам кўриб қўйилган. Ферма ёнида 20 гектар ерга судан ўти экилиб,йилловга айлантирилган.

Биз сизил соғини қандай ташкил этганмиз? Янги ферма қўрилган, «Волга» сут соғини аппарати олдиқ, у билан сизиллар ҳар кун уч маҳал соғинмоқда. Бу аппаратнинг ишлари бизга жуда маъқул бўлиб қолди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир киши меҳнат қилиши билан биргача билиминин, савиясини ошириб бормаса, янгиликлардан

хабардор бўлиб турмаса, келажакда юқори кўрсаткичга эришмаслигини муамма. Мен «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» буюқча журналида, шунингдек газеталарда босилган чорвачиликка доир мақолаларнинг, телеэкранда кўрсатилган шу соҳадиги кўрсатувларини кўриб қораман. Булар, албатта, ишимизда катта фойда берапти. Фермаимизда дам олишимиз, янгиликлар билан танишимиз, тажрибаларимизни ўртоқлашимиз учун шароит яратиб берилган. Биз бундан хурсандмиз ва шунга яраша меҳнат қилишни ўз бурчимиз деб биламиз.

Мен 1972 йил учун СССРнинг 50 йиллиги шарафига ўз зиммамга қўйилган мажбуриятларини оламан: Боқимиздаги 25 бош сизилдан 84 тонна сарфаймоқ сут соғиб оламан. Сутнинг ёғлиги даражасини 4 процентдан камайтирмайман. Ҳар бир центнер сут таннарихнинг 15 сўмга туширмайман. Ҳар бир сизилдан соғиб олинган сутнинг 3360 килограммга етказиш учун курашаман. Шу йил давомида ёшлардан 2 кишини сут соғувчиликка ўргатаман. Ҳамма эса қишлоқ хўжалик институтига сизилдан ўқинишга қираман.

Мен бу вазифамни бажаришга шунинг учун ҳам ишонимдаманки, колхозимизда ўтган йилдагидек бу йил ҳам етхашак етиштириш ишига катта эътибор берилди. Бултур 150 ўригга 250 тонна сенаж, 750 тонна беда ичгани парамланди. Бошқа озуқа экинлари ҳам қўллаб жамғарилди. Шунинг учун ҳам ҳозирги қиш фаслида сизилларимиз бултурги шу вақтдагига қараганда кўп сут бермоқда. Дугоналарим Зарифа Раҳматуллаева, Маҳбуба Назарова, Қўтиб Пулатовалар ҳам ўз боқимлариди сизиллардан қўллаб сут соғиб олиб, колхозимиз бўйича бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритишга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мен барча сут соғувчиларни тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида астойдил меҳнат қилишга, СССРнинг 50 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан қўлиб олишга ҳақирман. Халқимиз ваъда бердингиз, бажар дейди. Мен шунга тўла амал қиламан ва эл дастурхонининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўқин-соғин бўлишига ўз меҳнатим билан муносиб ҳисса қўшаман.

Муғтабар УММАТОВА, Калинин райондаги Илғиш номи колхоз сут соғувчиси.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР САНОАТИНИНГ 1972 ЙИЛ ЯНВАРИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ ТУҒРИСИДА АХБОРОТ

Область саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализацияси ҳаёми ва саноат маҳсулотларининг қўйчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича январь ойи длаинини ортири билан бажардилар.

1972 йилнинг январиди саноат ишлаб чиқариши ҳаёми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 8,4 процент, меҳнат унумдорлиги эса 5,1 процент ортиди.

Область шаҳарлари ва районлари бўйича маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиши ва саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

1972 йилнинг январиди	1971 йилнинг январиди	1972 йилнинг январиди	1971 йилнинг январиди
Маҳсулот	Маҳсулот	Маҳсулот	Маҳсулот
Умумий область бўйича	100,5	108	105
Тошкент области	100,2	110	107
ШАҲАРЛАР:			
Тошкент	100,7	107	104
Олмалиқ	97	115	112
Ангрен	103	112	111
Бенобод	102	101	96
Чирчиқ	100,5	106	107
Янгийул	102	101	100,6
РАЙОНЛАР:			
Оққўрғон	105	116	108
Оҳангарон	104	114	117
Бенобод	103	108	102
Бўстонлиқ	107	113	92
Бўка	109	93	85
Юқори Чирчиқ	106	122	111
Калинин	102	123	102
Орқоникиде	100,9	123	114
Пискент	107	113	108
Ўрта Чирчиқ	87	138	121
Янгийул	95	99	97

Саноат маҳсулотини натурда ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

1972 йилнинг январиди	1971 йилнинг январиди	1972 йилнинг январиди	1971 йилнинг январиди
Маҳсулот	Маҳсулот	Маҳсулот	Маҳсулот
Электр энергияси — миллиард киловатт-соат	1,3	116	
Қўмир — минг тонна	343,4	104	
Кўч трансформаторлари — минг киловольт ампер	286	108	
Экскаваторлар — дона	95	138	
Электрон кўприк қрандлари, маҳсуллари ҳам ҳисобга қиради — дона	80	107	
Транкторлар — дона	1501	91	
Транктор культиваторлари — дона	1725	86	
Транктор прицеплари — дона	2075	67	
Пахта териш машиналари — дона	1100	88	
Химия асбоб-ускуналари — минг сўмлик	1638	118	
Қишлоқ хўжалик машиналари — минг сўмлик	5557	93	
Цемент — минг тонна	210	98	
Бинокорлик гишти — миллион дона	51,1	97	
Ингма темир-бетон конструкциялари ва деталлари — минг куб метр	129,2	107	
Асбоцемент плита — шартли миллион квадрат метр	12,1	107	
Асбоцемент қувурлари — шартли километр	247	125	
Дераза ойнаси — минг квадрат метр	251	98	
Қоғоз — минг тонна	1,9	96	
Пахта толаси — минг тонна	12,8	106	
Каноп толаси — тонна	263	180	
Газ плиталари — минг дона	9,6	94	
Рўзгор холодильникилари — минг дона	4,6	91	
Ип газлама — миллион квадрат метр	11,7	100,1	
Чарм пофазал — минг жуфт	782	105	
Мебель — минг сўмлик	2527	115	
Ўсимлик мойи — тонна	4063	99,1	
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда — тонна	7039	102	
Колбаса маҳсулотлари — тонна	1601	104	
Гўшт — тонна	3028	133	
Кондитер маҳсулотлари — тонна	4265	98	
Консервалар — шартли минг банка	2189	76	

КИРОВ РАЙОНИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

БЕШ МИНГ ДЕВЯТОВАЧИ

Яхши ташаббуснинг қаноти бўлади деб бежиз айтишмаган. Тошкент самолётсозлик заводи-нинг фрезерчиси, СССР Олий Советининг депутаты Албина Александровна Деятовани меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича бешйиллик топиришга тўрт йилда бажариш юзасидан бошланган ташаббуси республикамиз пойтахтининг Киров район саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида ҳам кенг қулоч ёйди. Ҳозир районнинг беш мингдан ортиқ илғич-хизматчиси ана шу ташаббус асосида меҳнат қилипти.

«Ўрток» кондитер фабрикасининг ярис цехи коллективни бу ташаббусга биринчилар қаторида қўшилди. Цех илғич-хизматчилари бешйиллик планни 4,5 йилда бажариш юзасидан олган мажбуриятларига яраша цехлар ўртакдаги ўзaro мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Шу фабриканинг донгдор қандалатчиси ўрток Х. Шаменева раҳбарлигидаги бригада

аъзолари бешйиллик планни 3,5 йилда бажариш учун курашмоқдалар. Ташаббускорнинг издошлари Тошкент тамаки фабрикаси коллектив ўртасида ҳам анчагина бор. Мирзаархон, Ботирбеков, Ашхман, Сандавалев ўртоклар раҳбарлик қилаётган бригадалар меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича бешйиллик топиришга 4 йил 10 ойда бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

1 МИЛЛИОН СЎМ ФОЙДА

Район корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида новаторлик ҳаракати йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Аксарият завод ва фабрикаларда рационализаторлик ҳамда ихтирочилик билан шуғулланувчилар санини кўпайтириш, бу ватанпарварлик ҳаракатини тобора авж олдириш ва самардорлигини ошириш учун жуда кўп тадбирлар қўйилляпти. Бунинг самараси яхши бўлмоқда.

Тиниб-тинимасларнинг ўтган хўжалик йилидаги ижодий из-

лачилари натижаси жуда салмоқли бўлди: 1700 дан ортиқ тақлифнинг аксарияти амалга оширилди. Шу туфайли 1 миллион сўмлик соф фойда олинди. Амалга оширилган рационализаторлик ва ихтирочилик тақлифлари тўққизинчи бешйилликнинг биринчи йилида 1 миллион 771 минг киловатт-саат электр энергияси, шартли 483 тонна экилган, 108-тонна қора ва рангли металл, 167 кубометр тахта, 38 минг сўмлик газлама раҳбар тежаб қилиш имконини берди.

Ижодий изловчилар 1972 йилда кам билан 1 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган рационализаторлик тақлифларини амалга оширишга аҳд қилдилар.

НОТ ПЛАНЛАРИ АМАЛДА

Саноат корхоналари ва ташкилотларида ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, саноат эстетикасини жорий қилиш ва меҳнатини илғий уюштиришга тобора катта эътибор берилляпти. Еттига НОТ лабораторияси

ва 46 та ижодий бригада ана шу масалалар билан муттасил шуғулланмоқда.

Меҳнатини илғий уюштириш соҳасида қўрилатган тадбирлар самараси яхши бўлмоқда. НОТ лабораториялари ва ижодий бригадалари коллектив фаолияти кўрсаткичларини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, иш шароитини енгилаштиришга қаратилган планлар ишлаб чиқмоқдалар ва уларни жорий қилмоқдалар. Ўтган йил 8 та план тўла, 40 та план эса қисман амалга оширилди. Натижада, қўллаб иш жойлари, бригадалар ва участкаларда меҳнат илғий равишида уюштирилди, илғич-хизматчиларнинг меҳнати натижаси янада баракли бўлди. Ўтган йили НОТ планлари ва тадбирларини амалга оширишдан олдинта жамғарма 300 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Тўққизинчи бешйилликнинг иккинчи йилида ҳам меҳнатни умумий уюштириш бўйича қўллаб тадбирларини амалга ошириш мўлжалланган. Бу қўллаб қўллаб маблагини иқтисод қилиш имконини беради.

М. МАҲМУДОВ.

ҚЎШИМЧА ИККИ

МИНГ ИШЧИ ЎРНИ

Тошкентнинг Октябрь бозорида гўшт ва сут маҳсулотлари билан савдо қилинадиган янги корпус қурилиши бошланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ пойдеворга устулар ўрнатилди, икки қаватли бионинг девор-

лари ва гоми монтаж қилинмоқда. Мармар, пластмасса, металл билан пардозланган прилавкаларда 400 сотувчи харидорлар хизматига бўлади.

Беш йиллик мобайнида Тошкент бозорларига сабзавот, картошка, сут ва бошқа маҳсулотлар олиб келиш 4—5 баравар кўпайди, деб хабар беришди шаҳар бозорлар бошқармасида. Шунча миқдордаги маҳсулотни қабул қилиб олиш учун, харидорларга қўлайлик

тўғдириш учун бугундан бошлаб ҳамхўрлик қилиш керак. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг савдо-сотиқчи ва унинг техника билан таъминлашинини яхшилашга доир баъзи тадбирлар тўғрисидаги қарориди шу нарсга қўзда тутилган.

Беш йиллик ичида Тошкент бозорларида ҳаммаси бўлиб яна икки мингга яқин ишчи ўрни пайдо бўлади.

(ЎЗАТ).

Халқ ҳужжалигини план
тириш ва бошқарилини таъ-
лаштириш соҳасидан янги
зиғфарон, деб таъкид-
докладчи, барча олимлар
ниқса экономист олимлар
актив қатнашувисиз мува-
қиятли ҳал этиб бўлмайдиган
* * *

10 февраль кунин илмий
сия қатнашчилари секция
бўлини мажлислаш ўтказган
Фалсафа, ҳуқуқ, эконо-
мист тарих, филология секция

АДАБИЙ-БАДИЙ ТАНҚИДЧИЛИКДА ПАРТИЯВИЙЛИК УЧУН

ПАРТИЯ ЧОРЛАЙДИ

Ленин партияси раҳбарлигида кўп миллатли совет адабиёти ва санъатининг бениҳоят бой хазинасини яратганда ўзбек бадий маданиятининг ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Ўзбек халқининг меҳнат ва ижодий даҳоси алқолиб санъаткорлар ва ёзувчиларни етиштирди. Партия ва халқ социалистик маданият ходимларига оталарча ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиб, уларнинг барча ютуқларини ифтихор билан тилга олиб, айни замонда улар асарларининг гоийиб-бадий сифатини, ижтимоий қимматини оширишга юксак талаб қўймоқда.

КПСС Марказий Комитети «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида» чиқарган қарориди таъкиднинг курашчанлиги руҳини, ижтимоий эътиборини ошириб, ижодий процессга таъсир кўрсатиш кўчилини кўтариш масалаларини янада кенг қўлама олиб чиқди. Қарорда адабий танқид соҳасидаги ижодий нуқсонлар очиб ташданиши билан бирга, унинг энг муҳим вазифалари кўрсатиб берилди, марсица-ленинча илмий танқидни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирлар белгиланди.

Партиямиз Марказий Комитети қарориди қайд этилган камчиликлар ва белгиланган вазифалари тўлалигича ўзбек танқидчилигига ҳам тааллуқ

лидир. Танқидчилигимизда ўзбек совет адабиёти ва санъатининг янги ривожланиш жараёни, яратилган адабий асарлар етарлича чуқур таҳлил қилинмаётди. Совет халқлари адабиёт-маданиятининг ўзаро яқинлашиши ва боини тўғрисидаги ишлар умумий гаплардан нарига ўтмаётди. Кўп мақолалар, таъкидлар, ҳатто айрим монографиялар юзаси харақтерда, уларнинг фалсафий ва эстетик савияси эса юқори даражада эмас. Санъат ва адабнинг ҳаёт билан муносабати етарли илмий ва ишонтирарли қилиб очилмаётди. Халқимизда гоийиб бадий ижоддан бўш асарларнинг муроосозлиги билан баҳолаш ҳоллари учраб туради. Субъективизм, ошша-огойиччилик, группачилик ва вульгар социологизм нуқтаи назаридан қарашлар тўла бартараф этилган эмас. Битта-ярифта бўлса ҳам матбуот саҳифаларида совет ва ўтмиш адабиёти тарихи бойликлари нотўғри ёритилган материаллар босилиб туради. Бадий танқидчилик социалистик реализм санъати ва адабиётнинг революцион ва гуманистик идеалларини илмий асослаш ва пропаганда қилишда, ҳозирги замон реакцион буржуа «маданияти» ва тушунулган оқимларини, ревизиончилик концепцияларини фойш этишда баъзан изчиллик



ва принципааллини қўлдан бериб қўётди.

Адабий танқид олдида турган муҳим вазифалардан бири унинг методологик ва назарий асосларини мустаҳкамлашдир, санъат ва адабиёт ҳодисаларини таҳлил қилишда марсица-ленинча принципларни ижодий таъкид этишдан иборатдир. Партиямизнинг адабий-бадий танқид соҳасидаги таъкидчилликлар биз, таъкидчилларни фаолиятимизда содир бўлган камчиликларни жадал бартараф этишга, янги-янги вазифаларни виждонан бажаришга даъват этади.

Ҳомид ЕҚУБОВ.

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК

Мен кўпинча том маънодаги танқидчининг, боринги, идеал танқидчининг сифатлари ҳақида ўйлайман. Қандай одам идеал танқидчи бўлиши мумкин? У қандай сифатларга эга бўлмоғи шарт!

Бундай танқидчи, даставвал, широна қалбга эга бўлиши лозим. Ахир, у бадий адабиёт ҳақида ўйлайди, бадий асарларни баҳолайди, Асарнинг гузаллигини бадий бойлигини чуқур ҳис қила олиш, ундан завқлана олиш учун танқидчида широна қалб бўлиши лозим. Яхши танқидчи бўлиш учун одам эппи ёзувчига хос қобилиятга ҳам эга бўлиши керак, токи у адабиётда тасвирлаётган воқеалар кўламини кенг ақил пилда қўра олсин, улар моҳиятини чуқур тушуниб, Ҳақиқий танқидчи драматургнинг қобилиятга ҳам эга бўлиши лозим, токи бу қобилиятни тўғридан ёшётган асарларини ўқимаш қилиб ёзсин, уларда драматизм бўлсин, ўқувчини эриштироладиган кескинлик, ахиллик, ҳаракат бўлсин. Ниҳоят, танқидчи философ бўлиши, ўз замонасининг етакчи фикмларидан, кашфларидан баҳолаб олим бўлиши лозим. Чунки танқидчи фақат адабиёт ҳақида фикр юритмайди, балки адабиётни восита қилиб, ҳаёт ҳақида, тараққиёт тўғри-

КПСС Марказий Комитети яқинда «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида» қарор қабул қилди. Қарорда партия комитетлари, маданият муассасалари, ижодий соҳалар, матбуот органлари партия XXIV съездининг адабий-бадий танқидчилик савиясини ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш йўлидаги фаолиятларини кучайтирганидлар таъкидланади. Шу билан бирга айни вақтда танқидчиликнинг аҳоли коммунистик қурилишда бадий маданиятнинг роли ўсиб бориши билан белгиладиган талабларга ҳали тўла-тўқис жавоб бермаётганлиги кўрсатиб ўтилади.

Шу қарор муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси ҳузурида «Адабий ҳаёт» штатсиз бўлими ташкил этилди. Бўлим ишита танқидчи-адабиётшунос олимлардан филология фанлари докторлари Ҳомид Еқубов, Матқуб Қўшонов, Бердиали Имомов, филология фанлари кандидатлари Озод Шарофуддинов, Анқабой Қўлжонов ва ёш танқидчи Иброҳим Гафуров ёрдам кўрсатмоқдалар. Яқинда бўлимнинг биринчи йиғилиши бўлди. Йиғилиш КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида»ги қарорига бағишланди. Қўйида йиғилишда қатнашган танқидчи — адабиётшунос олимлар сўзлари билан танишасиз.



лидан иборат бўлса, китобхона таъин асарнинг маъносини айтиб беришдан нарига ўтмаса, ҳаммага маълум гапларни такрорлашдан иборат бўлса, бундай мақола танқиднинг обрўига путур еткази.

Ҳулас, танқиднинг илмий-бадий савияси юксак бўлиши, у китобхона адабиёт ва ҳаёт ҳақида тўғри, ҳақиқий тасаввур бериши лозим.

Партиямиз Марказий Комитетининг қарори биз учун йўл-йўлни ёритиб турадиган дастурий амал бўлди. Қарорда кўпмиллатли совет танқидчилигининг иш программаси аниқ қилиб берилган.

Озод ШАРОФУДДИНОВ.

ТАҚРИЗЛАР ҲАҚИДА ФИКРЛАР

Партиямиз Марказий Комитетининг адабий-бадий танқидчилик ҳақида чиқарган қарориди бадий танқид адабиётни юксалтириш жараёнида партиявий таъсирнинг қудратли воситаси, халқимизни эстетик тарбиялаш ишда муҳим куч эканини дна бир бор намойиш қилди. Қарорда танқидчиликдаги ижодий нуқсонлар, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Қарорда кўрсатилганича, ижодий ютуқларга қарамай, танқидчиликнинг ҳозирги палласига ҳо қатор камчиликлар бор. Булардан бири шундани, «эълон қилинган таъкидлар қўлинича бир ёллама бўлади, унда асарлар асоссиз мактаб юборилди, мамууни юзаси баён қилинади, асарнинг реал аҳамияти ва қиммати тўғрисида тасаввур берибди».

Бундай нуқсонлар пьеса ва спектаклларга бағишланган таъкидларда айниқса аққол қўла ташланади. Асарларни ортича мактаб, мадҳиябозлик бовида Енгин Мирзо қаламидан чиққан таъкидлар айниқса харақтерли. Бу таъкидлар учун мактов сифатлари ёш автор учун ҳам, етук санъаткор асари учун ҳам бирдай «сахийлик» билан қўллангиларида. Бунга унинг Ш. Саъдуллиннинг «Афсона яратган қиз», А. Жамолнинг «Меҳрибонлар», Я. Худойкуловнинг «Орият» ва бошқа бир қатор пьесалар асосида яратилган спектаклларга бағишланган таъкидлар мисол бўла олади.

Ҳафиз Абдусаматовнинг «Адолат қўшиғи» («Ўзбекистон маданияти», 1972 йил 11 январь) таъкидига шунга тилиш, намуна дейиш мумкин. Танқидчи сахна асарига ҳо драматик ҳаракатга ёш пьесанинг ўзигагина ташкил этувчи драматик конфликтга, ё бўлмаса, умуман драматик шакл таъносига мувофиқ темани ёритишда авторнинг ўзига хос маҳоратини кўрсатиши ҳақида ҳам нелтирмайди. Аксинча, у асар мунажжасини баён қилди, воқеа ва харақтерларни изоҳлаб, таъсирлаб берили, ойда-сонда, автор ва пьеса шайинга дахилсиз мадҳиябозлик билан чекланди. Натжида, Ўғуннинг «Парвоз» драматизга ҳо хусусиятлар, асар ўрни, авторнинг санъаткорлиги, ютуқ ва камчилиги жанр спецификаси доирасида кенг очилмади. Асарнинг ҳаётини заминда туршии гомта муҳим, Танқидчи эса, асарнинг ҳаётини негизига бефарқ қарайди. Чунонки, Алмоғида ўшаган раҳбар жуза дан. Балки худди Алмоғиди одам республикада йўқдир. Гал бор— йўқдирлига ҳақ(?) балки партия ходимларининг софлиги, олижаноб бўри хусусидадир» дейди. Менинча, образнинг ҳаётини заминда турган турмаганлигига бурчилик бефарқ қарашда уйдирмачилик тарғиб этилади.

Санъаткорларимизнинг ижодчилик меҳнатларини гоат юзаси, примитив таҳлил этиш таъкидларнинг муштарак нуқсонидир.

Танқидчининг адабиёт фактларига нопринципал, субъектив муносабатда бўлиши баъзан айрим асарларни ноҳақ танқид қилишга ҳам олиб келмоқда. Масалан, Пирмат Шермухаммедов «Сеҳр ва айл» («Шарқ юлдузи», 1971, 4-сон) таъкидида Х. Тўхтабоннинг «Сариқ девни миниб» қиссасига шундай муносабатда бўлди. Танқидчи асар услубининг романтик-сарказм харақтерини ҳисобга олмай, қиссатга паст назар билан қарайди, баъзан ўринларда эса, танқидчи дудмал эстетик позицияда қолди, нима демокчи бўлаётганини билб бўлмайди. Ваҳоланки, бу қисса Итифон қиссасида адабиётимиз юзаси ёруғ қилган асарлардан бири бўлди, республика комсомол мукофотини олди.

Танқидчи Норбой Худойбергатовнинг «Ивор» («Олтин девор» асарларига субъектив муносабатда бўлиб, уларни асоссиз қоралагани жамоатчилик қаршилигига учради.

Танқид ҳукам юритиш экан, партиямиз қарори бу касб намоёндаларидан таъкид ва мақолаларда адабий фанларнинг гоийиб-бадий танқид талабчи, муроосиз, принципал ва ҳақиқий баҳолашга, бунинг учун марсица-ленинча эстетика асосларини ағдалашга, маҳоратини оширишга даъват этади. Шунданли, на адабий-бадий танқид санъатимиз равақига муносиб ҳисса қўшади.

Бердиали ИМОМОВ.

ЁЗУВЧИ, НАШРИЁТ ВА ТАНҚИДЧИ



Баъзан ўртоқлар адабий танқидчиликни камситиб, уни гўё адабиётнинг «думи» деб аташга борар, «ёш қўлида келмаган одам танқидчи бўлади» деган ибораларни ишлатар эдилар.

Баъзан бирор ёзувчининг асарини таҳлил қилиб, камчиликларини кўрсатмоқчи бўлсангиз, «олдин ёзиб кўр, кейин таъкид» деган ярим ҳасил, ярим чин таъналарни ҳам ешитишга тўғри келар эди. Адабий танқидчиликка нисбатан шу хилдаги кесатил ва камситиш тенденцияси танқидчи айтган баъзи бир фикрларни ўз вақтида қабул қилинмаслигига сабаб бўлар эди. КПСС Марказий Комитетининг қарори шу хилдаги ютуқни қарашларга ҳам муносиб жавоб бўлди.

Аслида танқидчи ҳам ёзувчи ҳам бири икки қилиди. Талантли, эстетик диди, баъза ёзувчи танқидчи диди таъ олди, ҳатто уни дуст тута билди. Ҳо Ойбек ўзининг «Олтин водийдан шибоблар» романини шибоблар ёзганини айтган Абдулла Ҳахор эса «Қўшқинор чироқлари» романидан қўлини тўлмаганини умрининг охиригача эслаган, ҳатто бу фикрни матбуотда айтган эди. Ёшлар билан бўлган бир сўхбатда Ойбекка «Абдулла Қодир ҳақидаги китобингизда бироз танқидчи охириб юборибсизми?» деб сўраганларида «Ҳа, шунини таъкид керак, тузатиш» дегани, бир сўхбатда Абдулла Ҳахорнинг «Ғарзиди мактовдан ғарзаларни танқид яхшироқ» деган сўзлари ижодкорларнинг эсла-рида.

Талант заиф ёзувчиларига таъкиддан кўради, ундан нотийди, назарисайд қилмайди ёки танқидий фикр айтган одамин «Мана бу ёзувчининг асарини уриб ташлабди» деган ибора ишлатади. Бугина эмас, танқидчи бирор асарнинг камчиликларини батафсилроқ кўрсатса, ёзувчи «шахсий душман» деб эълон қилишга шошилади. Ҳолбуки, асл танқидчи булар бўлмасга ҳамма бир чендан ура берадиган «ўртғамор» эмас, у ёзувчи нисбатан бирор шахсий манфаатини қўзғамайди, бирор асарини қатъий танқид қила турган, руҳақ енгиллик ҳам сезмайди.

Баъзан танқидчи билан ёзувчи ораларидаги фикр олишувлар даҳанани жангга ўхшаб қолади. Танқидчи бирор асар юзасидан фикрини айтди, ёзувчи эса уни бир пугла олмайди. Танқидий фикр, агар асарнинг журиал вариант асосида айтилган бўлса, ёзувчи дустлар тээрор асарини китоб шаклида чиқариб юборишга шошилади. Шундай қилиб, танқидчи ўз фикрида қоллади, ёзувчи ўз асари адреси номиди.

Умуман биз баъзи танқидий фикр ва унга муносабат билдиришда ҳаёт талабидан орқанда юрамиз. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий танқидчилик ҳақида»ги қарорининг чиққанга ярим ойдан кўп вақт ўтапти. Марказий газеталар бу ҳақда кўп материаллар эълон қилди, кўп масалалар кўтариб, ўртага ташлади. Хусусан «Литературная газета» бу қарор муносабати билан Вутунитифон адабий танқидчилик олдида турган вазифалар ҳақида кўпгина материаллар эълон қилди. Республикамизда адабий танқидчиликнинг маданияти «Ўзбекистон маданияти» газетаси бу масалани етарли ёритмайди. Газетанинг кейинги 4 февраль сонин бироз ақабаланди. У «Адабий танқидчилик ҳақида» ўйларга номли катта рубрика очиб, унда бир ёзувчининг ижодий биографияси ҳақида мақола ва иккинчи таъкид эълон қилди. Бу мақола ва таъкидларда адабий танқидчилик ҳақида ўйлар йў!

Нимагадир адабий танқидчиликка бағишланган Вутунитифон ёзувчилар союзи пленуми материалларида ўзбек совет адабий танқидчилигимизга ҳам ўрин берилган.

Ютуқларимизни кўрсата олмайганимизнинг сабабларидан бири шундани, биз ҳали ҳам марказий матбуот саҳифаларида кам учинамиз, марказий нашриёт ижодкорларидан кам фойдаланамиз. Бадий ижод

лар кўтариб, ўртага ташлади. Хусусан «Литературная газета» бу қарор муносабати билан Вутунитифон адабий танқидчилик олдида турган вазифалар ҳақида кўпгина материаллар эълон қилди. Республикамизда адабий танқидчиликнинг маданияти «Ўзбекистон маданияти» газетаси бу масалани етарли ёритмайди. Газетанинг кейинги 4 февраль сонин бироз ақабаланди. У «Адабий танқидчилик ҳақида» ўйларга номли катта рубрика очиб, унда бир ёзувчининг ижодий биографияси ҳақида мақола ва иккинчи таъкид эълон қилди. Бу мақола ва таъкидларда адабий танқидчилик ҳақида ўйлар йў!

Нимагадир адабий танқидчиликка бағишланган Вутунитифон ёзувчилар союзи пленуми материалларида ўзбек совет адабий танқидчилигимизга ҳам ўрин берилган.

Ютуқларимизни кўрсата олмайганимизнинг сабабларидан бири шундани, биз ҳали ҳам марказий матбуот саҳифаларида кам учинамиз, марказий нашриёт ижодкорларидан кам фойдаланамиз. Бадий ижод

лар кўтариб, ўртага ташлади. Хусусан «Литературная газета» бу қарор муносабати билан Вутунитифон адабий танқидчилик олдида турган вазифалар ҳақида кўпгина материаллар эълон қилди. Республикамизда адабий танқидчиликнинг маданияти «Ўзбекистон маданияти» газетаси бу масалани етарли ёритмайди. Газетанинг кейинги 4 февраль сонин бироз ақабаланди. У «Адабий танқидчилик ҳақида» ўйларга номли катта рубрика очиб, унда бир ёзувчининг ижодий биографияси ҳақида мақола ва иккинчи таъкид эълон қилди. Бу мақола ва таъкидларда адабий танқидчилик ҳақида ўйлар йў!

Нимагадир адабий танқидчиликка бағишланган Вутунитифон ёзувчилар союзи пленуми материалларида ўзбек совет адабий танқидчилигимизга ҳам ўрин берилган.

Ютуқларимизни кўрсата олмайганимизнинг сабабларидан бири шундани, биз ҳали ҳам марказий матбуот саҳифаларида кам учинамиз, марказий нашриёт ижодкорларидан кам фойдаланамиз. Бадий ижод

Матқуб ҚЎШЖОНОВ.

ЗАМОНАВИЙЛИК—АСОСИЙ МЕЗОН

Мен сўзини ҳаммага маълум бўлган бир фактни эслаб ўтишдан бошламочкиман. Республикамиз ишлари ҳаёти жуза бой ва ранг-барангдир. У ўзининг биргина «оқ олтин»и билан ҳам фақат Советлар мамлакатидигина эмас, айни вақтда, бутун жаҳон миқёсида ҳам улкан ўринга эга. Кейинги йилларда республикамиз пахтакорлари мисли қўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Лекин, мана шу даврда уларнинг ҳаётини, мураккаб харақтерини, бу қаҳрамонлигини тўла бадий гавдалаштириб берган асарлар яратилди. Бу саволга ижодий жавоб бериш қийин. Менинг назаримда танқидчиларимиз ҳам бу хусусда деярли қайғурмадилар. Исканчидан, атоқли танқидчиларимиз ҳам кейинги йилларда яратилган жуза кўп юзаси, гоийиб-бадий ижоддан бўш, ҳом-хатала асарларга муносабатда, яъни уларни кески танқид қилиш борасида муайян даражада сукот сақладилар. Айниқса, ҳозирги пайтда савз асарларнинг кўпайиб кетини сабабларидан бири ҳам худди ана шунда. Яна бири — чинакам замонавий бўлмаган кўпгина асарлар бир қатор танқидчилар (кўпроқ ёшлар) томонидан асоссиз равишда мактадиди, юзори баҳолабди. Фақат кейинги йилларнинг ўзига элладан ортқи қисса яратилди. Сон кўп, савз оз.

Уларнинг айримларида тасвирланган воқеалар студентнинг ранс «тузоги»га илмий атрофида айланади, бу фант

сифатида қисса сюжетининг, унда тасвирланган воқеалар марказини ағдалайди. Иккинчи бир қиссада эса, областда ишга келган ёш бир артистани ранс «тузоги»га илмиса, шу йўлдаги харақат тасвирда марказий ўринга чиқади. Фелетонлар материал! Бу хилдаги ранслар ҳақида фелетонлар ҳам босилган эди. Яна бир қиссада бир артистнинг ёмон, бузуқ йўлга олиб кириш ниятида қишлоқдан ҳаваскор, талантли қизларни театрга олиб келиши, ўз «тузоги»га илтириб олиши, уни бадиом қилиши қабилар ҳисоб қилинади. Яна бири — иккин ёшнинг бир-бирига хат ёзишлари асосида қурилган. Бу хилдаги асарларнинг рўйхатини ана ҳам қўяйтиравериб мумкин. Бундай асарларнинг деярли ҳаммаси матбуотда ижодий баҳолабди: асосий гап ана шунда!

Юксак мезонларни унутиб қўйиш ҳоллари кўпаймоқда. Биргина мисол билан чекланаман. Ёш ёзувчи Момғар Сафаровнинг «Олис қирлар ортда» номли қиссаси ҳақидаги таъкид эслатиб ўтмоқчиман. Мен бу қиссани ўқиб, унинг журиалда босилганига таъжубланмай қолдим. Чунки, у гоийиб ва бадий ижоддан жуза бўш, ҳом-хатала асар. Устига уштак, бу асарни Ж.Омонтовнинг фанлари нақидида Ф.Омонтовнинг билан институт ўқитувчиси О.Чўматов ўзларининг «Чўл ва умр талқини» таъкидида мактаб чиндилар. Аслида эса бу



қиссада ҳўл ва умр талқини йў!

Менинг назаримда, замонавийлик билан бадийликнинг ўзаро мураккаб алоқаси диалектиқсини, замонавийлик билан социалистик реализмнинг асосий гоийиб-эстетик принципларини ҳаққонийлик ва гоийиблик, партиявийлик ва халқчилик, проблемаларини илмиса боллиқ ҳолда ҳар томонлама кенг ва чуқур таҳлил қилиш — булар адабий танқидчиликнинг илмий келтириб бўлмайдиган ҳам назарий, ҳам амалий вазифаларидан ҳисобланади.

Коммунистик партия биз, танқидчилардан чинакам замонавийлик, юксак партиявийлик ва бадийлик учун курашни зарурлигини талаб қилмоқда. Юксак талабга яраша муносиб иш қилиш эса ҳар бир танқидчининг шарафли бурчидир. Анқабой ҚЎЛЖОНОВ.

ҲАҚҚОНИЙ ВА ТАЛАБЧАН БЎЛАЙЛИК

Кўруқ қошиқ оғиз йиртади. Бу ҳимматга ҳар ким ўз чорига кўра тўи бичади. Бирок у донолик, уруғи, сепилга қўйиладан олинганлиги шубҳасиз. Бу гапнинг танқидчилик ишларига ҳам бевосита алоқаси йўқ эмас экан.

Биз оғиз йиртадиган бу «кўруқ қошиқ» таҳлилда танқидчи «кўруқ»чилигидан, адабий танқидда партадан қўчирилган билмлар билан кун кўрмоқдан буткул юз ўтгирини маъносиди тушунайлик. «Кўруқ қошиқ» оғизга қанчалар бераҳм суратда заҳмат етмаса, кўруқ сўз гузалликка, халқнинг гузаллиги туйғусини ўстиришга шунчалар оғир эиен еткази.

«Кўруқ қошиқ» — бу мазмунсиз, маъносиз, маза-матрасиз сўз, адабий асарни ибосетсиз баҳолашдир. Адабий танқид, яшнрадиган жойи йўқ, кўпроқ худди шу нарсадан ўзини ҳимоясиз сезган пайтлар бўлади. Бунга баъзан ўртоқларнинг адабий-бадий танқидга иккинчи, учинчи, тўртинчи даражали нарсаси, деб қараб келганликлари сабабчи. Бундай ўртоқлар бадий адабиётнинг қонида бор нарсани — энг зерикарли гапни ҳам энг қизик қил қилиб етказиб олиш қудратини. — бинобарин бу қудратдан бадий адабиётнинг туғишдан бўлаги адабий танқидга ҳам текинлигини мутлақо унутиб қўйиладан, тўғрироғи бундан беҳабарлар.

В. И. Лениннинг инсон тафаккури ва жаҳият тараққиётини энг мураккаб масалаларига бағишланган асарлари шон дққат ва ўлмас завқ, қиз

зиш билан ўқилишининг сири нимада? В. И. Ленин ёзувчи, публицист, таъкидчи сифатида нарсалар, ҳодисалар моҳиятига энг қисқа, осон, айни чоғда энг буюк йўл билан борар ва уларни нафига олиб, таҳлил қилиб берадилар. Бу одамлар онгини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларга коммунистик билмларини сингдиришини энг халқчи йўли эди. Марсица-ленинча назария билан, эстетика билан чуқур кўрланган адабий-бадий танқидчилик ўз маҳоратини ошириш учун аввало таъсир кўрсатишини мана шу буюк йўлларга, усулларига кўпроқ мойил бўлиши керак.

Адабий танқидда таҳлил маҳорати — биринчи даражали нарсаси. Бу маҳоратсиз танқид жовонларда чанг босиб етишар гирифтор бўлади. Шу маҳорат у адабиёт ҳақидаги партия кўрсатмаларини ҳаётга чуқур таъкид қила билмайди.

Бизда адабий-бадий танқид — бадий тафаккурнинг нисбатан ёш соҳаси. (Айтийлик, га-залга ёш тарихий-адабий ме-муларга нисбатан). У энди энди тобора кучга тўлиша бормоқда. Яқин-яқин йилларга бисда адабий танқид кўпроқ ва асосан биография таҳлил, био-графия таъкидотлар тарзида мавжуд эди. Ҳозирги кунда адабий танқидчилигимиз чуқур назарий йўсиндаги катта таъкидотлар билан бир қаторда эстетик, публицистик танқиднинг ҳам ранг-баранг намуналарига эга. Буларнинг таъкидларига катта эътибор билан қарамон.



таъкидларини чуқурлаштириш, самарали қиломоқ керак.

Аслидаку, адабий танқидчи тарихчи, файласуф, адиб усулгари, йўллари таъкидларини ўзлаштирган одам бўлса, орау-ми тўла ушларди-я! Зотан, ўшанда адабий танқидчининг хати — стилда ҳам юқоридаги соҳаларнинг билишган арсенали иш кўрсатган бўлармиди! Ўшанда Белинский, Лессинг, Чуковскийларга бўлган органик чанқоқлик — адабиётимизнинг чанқоқлиги — бир қадар қонди-рилармиди, дейман. Ороуға айб йў!

Мен адабий-бадий танқиднинг «қошиқ»гина эмас, «чўмин», «дошқоқон» ҳам доимо улуғвор асарлар билан, халққа фойдали билмлар билан тўлиб туришини, ҳамини мамзундор ва таъсирчан бўлишини ороу қиламан.

Иброҳим ГАФУРОВ.



ТУҲАТ

ИШЧАН ВА КАМТАР

малчиға дарров тушунолмади. Анови йигит-қизлар ҳам билишмас экан. Биз ўзимизча, «Олти ойда корректор бўлиб чиқсан, хунардн киши бўлар-канми», юриглар, айтилган жойга борамиз», дедик.

Бордик. Ҳаммаиш ҳам кечки ўрта мактабнинг ўзини синфи талабалари бўлганлигинидан корректорлар тайёрлаш курси кундуз кунини ишлаганлиги учун бу ерда ҳам ўқиниш мумкин эди. Керакли ҳужжатлар тайёрлаб, курсга қабул қилиндик.

Бир-икки ҳафта ўқганимиздан кейин мен шу ерди кишиларнинг бирдан сўрадим:

— Корректор бўлиб чиққанмишдан кейин нима иш қиламиз?

— Ўхў, биласизларки, бу катта иш, корректор газетанинг тўғон бошларидан бири, — деди у. — Газетачилар киши билан таниш бўлмаган бир йигитга бу иш ҳам қизик, ҳам турурли туюларди.

Курсда ўқиб юриб, ёшлик-шўхликдан бир ноурин ҳаракат қилиб, қўганимни ўзим сезмай қолдим. Мени кабинетга олиб киришди. У ерда қорачдан келган, жигалак соч киши ўтирарди. У воқеадан ха-

бардор экан, дарров «хужу» га ўтди.

— Нима қилиб қўйдик? Агар иккинчи шунақа иш қилсанг, қўлогингни чўзиб қўяман.

Тожи Исҳоқов эдилар, у киши Тожи ака насихат қилиб жавоб бериб юборди. Шундан кейин мен ўзимни курсдошларим ичидан яхши тутишга ҳаракат қилиб юрдим. Лекин, ана «қўлоқ чўзадикан» воқеа юз бериб қолди. Ана ўшанда Тожи ака ҳақиқатан ҳам қўлогинни чўзиб қўйди. Мана ҳозир Тожи акани кўрсан, ўша берган ўнгини, насихати эсимга тушади.

Бугунги кунда олтинчи йиллиги нишонланаётган, фақат нашриёт коллектив ўртасидагина эмас, газета ва журналлар редакцияси коллективлари ўртасида ҳам катта обрўга эга бўлган, ҳаммаиш ҳурматли тарбиячи, деб исзат қиладиган Тожи Исҳоқов тўғрисида юрак-гаилларимизни айтмай туролмаймиш. «Узполиграфкомбинат» ташкил этилган даврларда Тожи Исҳоқов ёшларни тарбиялашга, улар ўртасида тарбиявий ишга муҳаббат уйғотишга, матбاعتлар тайёрлаш ишини яхшилашга катта ҳисса қўшганлардан.

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан якунлангандан кейин бир кун Тожи Исҳоқов билан учрашиб қолдик. Бу йиллар давомида у киши билан кўришмаганимизни учун анча гаплар йиғилиб қолган экан. У уруш йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб Совет Армияси сафига қақрилиб, 1941 ва 1946 йиллар давомида ўқиб батальонда политрук ўринбосари бўлиб хизмат қилганлигини айтди.

Тожи Исҳоқовнинг кўп умри партия ишда ўтмоқда. У аввал биринчи босмақона партия бюросининг секретари бўлиб ишлаган. Бу ерда коллективнинг коммунистик руҳда тарбиялашга, меҳнатда коммунистлар авангардлигини оширишга астойдил иш олиб борди.

Мана ўн йил бўлибдики, Тожи ака Исҳоқов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёт партия ташкилотининг секретари вазифасида муваффақият билан ишлаб келмоқда. Нашриёт коммунистлари Тожи Исҳоқов бошчилигида меҳнат уюмдорлигини ошириш, буюртмаларни ўз вақтида бажариш, марказий ва маҳаллий газета ҳамда журналларнинг белгиланган муддатда

сифатли босилиши, ўқувчилар оmmasига кечикмай етиб бориши устида астойдил иш олиб бормоқда.

Биз у киши билан нашриётда, пахта йигим-терим куларидан кўп учрашамиз. У коллектив оталигидаги колхоз-совхозларга борганда ҳосил йигим-теримини ташкил этишда аниқса гайрат кўрсатиб ишлайди, коллектив шарофати учун курашади. Шу сабабли ҳам нашриётнинг оталигидаги колхоз ҳар йили пахта йигим-теримда пешқадам бўлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ленин партияси сафига қабул қилинган ва партиянинг содқ солдати бўлиб келадиган Тожи акага бундан кейинги ҳаёти ва ишларида ҳам катта муваффақиятлар тилаб қоламиз. Унинг кўксини бугунги кунда Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва бир қанча медаллар безаб турибди. У — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданий ходими.

Хурматли устоз Тожи Исҳоқов, олтинчи олим ташладингиз, етмишга етинг, саксонга сақранг, тўқсон билан тўқнашинг, юз билан юз кўришинг! Ўмрингиз бокйи бўлсин!

С. МАХКАМОВ.



ТОШКЕНТ ГРЭСи поликлиника хизматида аҳоли мамнун. Суратда: хирург Г. Гончаров (ўртада) ўз ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашмоқда.

Ф. Абдурашадов фотоси.

МОСКВАГА — КЎРГАЗМАГА

Москвадаги Бутуниттфоқ ҳалқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг қишлоқ хўжалик навяльони янги экспонатлар билан бойиди. Кўргазмага ил-дор колхоз ва совхозлар ҳақида ҳикоя қилувчи алоҳида экспозициялар ҳам қўйилди.

Тошкент облатинимиздан ҳам бир неча йirik хўжалик кўргазма қатнашчиси этиб тайин-

ланди. Биргина Юкори Чирин районидан тўрт колхоз ана шундай ҳукумга эга бўлди.

Бу колхозлар қишлоқ хўжалиги соҳасида юкори кўрсаткичларга эришти. Шунинг учун ҳам райондаги «Ленинскй куту», «Полиотдел», Кап-лини номли ва Свердлов номли колхозларга кўргазма қатнашчиси деган гувоҳнома берилди.

ҲАВАСКОРЛАР КЛУБИ

Ҳаваскорлар актёрлар билан яқиндан иш олиб бориш мақса-дида амалга оширилган бу тад-бирлардан мактаб ўқувчилари жуда хурсанд бўлишди. Рус ёш томошабинлар театри ҳузу-рида ташкил этилган клуб ҳа-васкорларининг севибли жойи-га айланиб қолди.

Унга театр ҳаваскорлари клуби деб ном берилди. Клуб

машгулотлари педагог Т. Па-лина раҳбарлигида олиб бо-рилмақда. Профессионал ак-тёрлар, асарини сахналашти-риш, сахна безаги, актёрлик маҳорати каби темаларда ҳам мазмунли суҳбатлар уюшти-рилади.

Клуб машгулотларини мак-табларда ҳам олиб бориш кў-за тўтилмақда.



ТОШКЕНТ Политехника институтининг умумий-неорганик кимё-си кафедраси ўқитувчилари студентларга пухта билим бериш йу-лида қатор тадбирларни амалга оширмақдалар. Бу ерда илмий лабораториялар ҳам ишлаб турибди.

Суратда: кафедра мудирн доцент К. Аъзамов ассистент Н. Сул-тонхўжаева билан лабораторияда.

А. Тўраев фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ

чет эл хабарлари

ШАРТНОМАЛАР МУҲОКА-МА ҚИЛИНМОҚДА

БОНН. 9 февраль. ТАСС мухбири Ю. Борисов хабар бе-ради.

Бугун ГФР бундсратн (Фар-бий Германия парламентининг ўнналар палатаси) ГФРнинг Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси билан тузган шартномаларини ратифика-ция қилиш тўғрисидаги қо-нуни лойиҳаларини биринчи бор ўқиб, муҳомаа қилишга ки-ришди. Бу қонун лойиҳалари бундсратнинг ҳукукий комис-сиясида ва ташқи комиссияси-да кўриб чиқилган эди. Ҳуку-кий комиссия шартномалар конституцияга зид эмас, деган фикрга келди. Ташқи ишлар комиссияси шартномаларни қувватлаб фикр билдирди ва

ана шу шартномаларнинг рати-фикация қилинишига қарши ҳеч қандай эътирозларни бил-дирилмаслигини бундсратта таъ-сия этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Энди эса ратификация қи-лишнинг парламент процедура-сига мувофиқ ҳар иккала қо-нуни лойиҳаси бундсратнинг ялпи мажлисида муҳомаа қи-лилмақда. Бирок бундсрат ял-пи мажлисининг фикри шу бос-қичда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Ратификация қилиш тарафдорлари билан унинг му-холифлари ўртасидаги асосий кураш Фарбий Германия пар-ламентининг иккинчи палатаси ҳисобланган бундсратда авж

олиб кетади. Бундсратнинг ҳу-лосаси билан бирга ҳар икки қонун лойиҳаси бундсратта тақдим этилади.

Бундсратнинг бугунги ялпи мажлисида ҳукумат номидан федерал канцлер В. Брандт ва ташқи ишлар министри В. Шеель ҳозир бўлишди.

Христиан демократик итти-фон-христиан социал иттифон оппозиция блокнинг раҳбар-лиги ГФРнинг Совет Иттифо-қи ва Польша Халқ Республи-каси билан тузган шартномала-ри нисбатан тўғонқ солиш сиёсатини давом эттирмақда. Бу раҳбарлик бундсратнинг ялпи мажлиси арафасида ана шу ҳужжатлар ҳусусидаги «шубҳалар» ва «писандалар»-нинг янги катта рўйхатини кў-тариб чиқди.

Бундсратнинг ялпи мажли-сида христиан демократик ит-тифон-христиан социал итти-фон оппозицияси бир овозга ортқорқ.

ҚАТТИҚ ҚОРАЛАШ

ХАНОЙ. 8 февраль. (ТАСС). Лаос ватанпарварлик фронти Марказий Комитети баёнот эълон қилиб, АҚШ президенти Никсоннинг 8 «моҳдадан иборат тинчлик лани»ни қаттиқ қо-ралади.

Каосан Патет лао агентлиги гаъратган шу баёнотда Никсон-нинг лани аъравонлик пози-циясида туриб музокаралар олиб бориш, АҚШнинг Вьет-намдаги ва Хинди-Хитойнинг бошқа мамлакатларидаги агрес-сив урушини давом эттириш мақсадини қўзлайди, деб таъ-киллади.

Лаос халқи, деб ўқтирилади баёнотда, қардош Вьетнам ва Камбоджа халқлари билан ҳам-жиҳат бўлиб курашни давом эттиришга, Америка агрессор-ларини ва уларнинг малайла-рини батамом тор-мор қилишга, Хинди-Хитойни Шарқи-Мажу-бий Осиёда ва бутун дунёда тинчлик манфаатларига муво-фиқ чиқарган мустақил ва тинч-лик раёнига айлантиришга қаттиқ аҳд қилган.



«ГЕДВА» миллий корхонаси Чехословакия санаятида муҳим ўрин тутди. Бу ерда 400 хилдан знед тур-ли кийимлар ишлаб чиқарилади. Корхона ўз маҳсулотини қар-йиб 40 процента актининг дунёнинг 59 мамлакатига экспорт қилади. Суратда: кор-хона цехларининг би-рида.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ҚЎШ МЕДАЛЛАР

ХИ қишки олимпиадада со-вет спортчиси Галина Кула-кова команданига ана бир олтин медал келтирди. У беш километрга бўлган чаги-чилар пойгасида ҳамма рақиб-ларини орқадан қолдириб кет-ди (17 минут 00.50 секунд) Кулакованинг ғалабасидан сунг Совет Иттифоқи терма командаси барча командалар-дан кўп — тўртта олтин ме-дални қўлга киритди. Галина Кулакова иккинчи марта олимпиада чемпиони бўлди.

Пойгачи Вячеслав Веденин ҳам олимпиадада ана бир ме-дални қўлга киритди. Эллис километрга чагн пойгасида у учинчи натижани кўрсатди. Веденин олтин медалга бронза медалини қўшди. 500 метрга хотин-қизлар ўртасида-ги коньки муسابақаларида ко-мандаииздан Вера Краснова иккинчи, Людмила Титова учинчи ўринни олдилар.

Хоккейчилар турнирида мам-лакатимиз терма командаси АҚШ спортчиларини 7:2 ҳисо-бида мағлуб этди.

Хоккейчиларимиз яна икки-та матч ўтказиши керак. Ақа улар польшалыклар билан куч сынашишди.

ДЕНГИЗ «САНИТАРЛАРИ»

ЯКИНДА Эрон порти Пах-ланига келган «Боку» тепло-ходн трюмларида ичига бални-лар солинган полиэтилен па-кетлар бор эди. Пакетлардаги оқ амур ва дурдоқ оғиз ба-ликлари Озарбайжон ССР хў-жаликларида қўйайтирилган. Уларнинг биринчи партияси— 30 минг балиқ Каспий денги-зига қўйиб юборилди.

Денгиз «санитарлари» деб ном олган бу балыклар соҳи-га яқин кўрфаз ва бухталарни сув ўтларидан тозалайди.

КУЙЛОВЧИ КОЛЛЕКЦИЯ

МОСКВАЛИК Я. Петришин аjoyиб куйловчи коллекция тўплаган. Бу коллекция 12 минг граммофон пластинаси-дан иборат бўлиб, унда ўтган асрнинг охиридан ва янги ас-рининг бошларида ишлаб чиқарилган пластиналар жам-

ХАР ПУҒРИДА

ланган. Коллекцияда жажжи дилинуб ва каттақон лаганин эслатувчи улкан гулларин пластинкалар бор. Баъзи пластинкаларнинг фақат бир томо-нигагина ёзилган. Қўшиқчи-лар, созандалар ва сиёсий ар-бобларнинг овозлари ёзилган ноёб пластинкалар аниқса диққатга сазовор.

БАЙКАЛ СУВИ НЕГА ТИНИҚ?

БАЙКАЛ, кўли сувининг ўта тиниқлиги билан машҳур. Олимлар яқинда бунинг «си-ри»ни топишди. Кўл сувининг бундай тиниқлиги сув тағида яшовчи кичкина қисқичбақа-чалар — эншурларга боғлиқ экан. Қисқичбақачалар шунча-лик кичкина, минг донасининг

огирлиги атғи 1 миллиграмм келади. Улар микроорганизм-лар билан озиқланади.

РАДИОДАН БОШҚАРИЛАДИГАН СОАТЛАР

ОРЖОНИКИДЗЕ шаҳрида-ги асбосозлик заводи радио орқали бошқариладиган соат-ларнинг намуна партиясини ишлаб чиқаришди. «Стрела» деб ном берилган бу соат электр тармоғига уланиши бил-ан Москва радиоси сигналла-рини қабул этади ва унинг мнллари ўз-ўзидан аниқ вақтга тўғриланади.

АКВАРИУМДА —

КАКТУС...

ОЛМАОТАЛИК агробио-логлар аjoyиб бир тажриба ўтказишди. Улар кактусни сув солинган аквариум ичидан уч йил мобайнида сақлашди. Ўсимлик ноубуд бўлган йўқ, балки ўсимда давом эти-лад-қиқотчиларнинг фикрича бу-нга аквариум ичига солинган сув ўтлари сабабчи бўлган. Сув ўтлари ўзидан кислород ажратиб, кактуснинг аквари-умда нормал ривожланиши учун қулай шароит тўғдирган. Олимлар, кактуснинг бундай чидамлилиги ва яшовчанлиги келгусида космик тулхоналар яратишда истиқболга эга деб ҳисоблайдилар.

«СОВЕТСКИЙ СОЮЗ» журналидан.

Реклама

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
10.55 — Кўрсатулар програм-маси, 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — А. П. Чехов, Овдаги драма (2 қисм, рус тилида), 12.25 — Кўрсатулар программаси.

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатулар програм-маси.

Рус тилида: 18.00 — Ёш ино-дий ходимлар республика сеи-нари қатнашчилари билан учра-шу, 18.45 — Антёрлар ва ро-лар, Хайрулла САЎДИЕВ, 20.15 — «Алборот» информацион про-граммаси.

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ўзе-бистон чорвадори» программаси, 21.00 — «Алборот» информаци-он программаси.

21.15 дан — Москва кўрсата-ди.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 дан — Москва кўрсатади. ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ.

Рус тилида: 21.15 — «Ўзбеки-стон комсомоли», 21.55 — «Волга тароналари» (фильм-концерт, та-тар тилида), 22.10 — Биринчи муҳаббат кўшиғи (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Рус тилида: 20.00 — «Старше-классник» программаси (Ғемир-лар учун), 20.40 — «Тўлиқда.02»

21.10 — Ёш вақтларда (ҳавас-корлар концерти).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ
11/II да Масҳарабозлар.

Реклама

БА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
10.55 — Кўрсатулар програм-маси, 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — А. П. Чехов, Овдаги драма (2 қисм, рус тилида), 12.25 — Кўрсатулар программаси.

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатулар програм-маси.

Рус тилида: 18.00 — Ёш ино-дий ходимлар республика сеи-нари қатнашчилари билан учра-шу, 18.45 — Антёрлар ва ро-лар, Хайрулла САЎДИЕВ, 20.15 — «Алборот» информацион про-граммаси.

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ўзе-бистон чорвадори» программаси, 21.00 — «Алборот» информаци-он программаси.

21.15 дан — Москва кўрсата-ди.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 дан — Москва кўрсатади. ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ.

Рус тилида: 21.15 — «Ўзбеки-стон комсомоли», 21.55 — «Волга тароналари» (фильм-концерт, та-тар тилида), 22.10 — Биринчи муҳаббат кўшиғи (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Рус тилида: 20.00 — «Старше-классник» программаси (Ғемир-лар учун), 20.40 — «Тўлиқда.02»

21.10 — Ёш вақтларда (ҳавас-корлар концерти).

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан инсти-тут кутубхонаси (Оржоникид-зе район, 4-алоқа бўлими)да та-ниниш мумкин.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан инсти-тут кутубхонасида та-ниниш мумкин.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан инсти-тут кутубхонасида та-ниниш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмақонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 03213. ИНДЕКС 64697. В. 1685.